



Фақат эркаклар ўқисин

# СИР

САҚЛАНМАЙДИГАН  
КАСАЛЛИК

ПРОС—  
ТАТИТ

ФАҚАТ ЭРКАКЛАР ҲҲИСИН

---

СИР  
САҚЛАНМАЙДИГАН  
КАСАЛЛИК:  
ПРОСТАТИТ

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 94 (076)**

**КБК: 56.9**

**T-17**

Сир сақланмайдиган касаллик: простатит. Тиббий рисола.  
Тузувчилар: М.Тиллашайхов, А.Усмонхўжаев, Х.Алиджанов. –  
Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 64 б.

ISBN 978-9943-27-906-3

Бу китобга простата беши ва простата касалликлари тўғри-сида маълумотлар жамланди. Унда эркаклар сийдик-тано-сил аъзоларининг тузилиши; простата бешини соғлом ҳо-латда сақлаш учун нималар қилиши кераклиги; простата беши касалликлари асоратларига қарши курашиш усуллари; простата касалликларини даволашда қўлланиладиган халқ табобати ва ноанъанавий усуллар; саломатлик учун фойда-ли овқатланиш қоидалари ҳақида простата бешини соғлом сақлаш учун керак бўладиган энг сўнги маълумотлар, тавсия-ларни ўқийсиз.

#### **Тузувчилар:**

М.Тиллашайхов – тиббиёт фанлари доктори, профессор  
А.Усмонхўжаев – тиббиёт фанлари номзоди, «Турон»  
фанлар академияси академиги  
Х.Алиджанов – уролог

#### **Тақризчи:**

Р.Аҳмедов – тиббиёт фанлари доктори, РШТЎИМ уро-  
логия бош илмий ходими

ISBN 978-9943-27-906-3

© Тузувчилар: М.Тиллашайхов, А.Усмонхўжаев, Х.Алиджанов.  
«Сир сақланмайдиган касаллик: простатит», «Янги аср авлоди»,  
2016 йил.

## **«УЯТ»ЛИ МУАММОНИНГ ОСОН ЕЧИМИ**

Тиббиёт юқори даражада тараққий этаётганига қарамай, ҳамон простата беzi касалликлари кўпгина эркакларни касаллантирмоқда. Эркаклардаги бепуштлиқнинг кўп учраши ва жинсий ожизликнинг катта фоизи простата касалликларининг у ёки бу кўриниши билан боғлиқ.

Простата беzi касалликлари эркакларнинг ярмидан кўпида учрайди ва ёш ўтиши билан касалланиш хавфи ортади. Эркакларда энг кўп учрайдиган касалликлар – простата беzi яллиғланиши, простата безининг хавфсиз гиперплазияси ва простата беzi саратон касаллигидир. Безларнинг яллиғланиши ва катталашиши ёқимсиз, айрим ҳолларда оғриқли бўлса ҳам ҳаёт учун хавф туғдирмайди. Бу касалликлар ўлим хавфини келтириб чиқармаса ҳам эркаклар учун жиддий муаммо туғдиради – унинг жинсий қобилятини ва ўзига бўлган ишончини сусайтиради.

Бу простата касалликлари, шу жумладан, простата беzi рақини ҳам муваффақиятли даволаш мумкин. Бунинг учун касалликка эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида малакали мутахассис ёрдамида даволаш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам бошланаётган касалликнинг белгиларини билиш ва яқинлашаётган

касалликнинг биринчи белгиларини кўздан қочирмаслик муҳим аҳамиятга эга.

Простата беzi касаллигининг эркаклар табиати билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатлари бор. Эркаклар кўпинча ўзаро суҳбат чоғида дўстларига ўз шикоятларини айтадилар, врачга эса мурожаат қилмайдилар. Бундан ташқари, эркак бундай «уят»ли муаммони сир сақлайди, ҳеч кимга айтмайди. Муаммо жуда ривожланиб кетгандан сўнг шифокорга боришга мажбур бўлади.

Бу китобдан сиз простата безини текшириш қандай олиб борилишини билиб оласиз, простата безининг кўп учрайдиган касалликлари билан танишасиз, ҳар бир касаллик учун хос бўлган белгиларни, даволашнинг турли хил усулларини ўрганасиз. Энг самарали даволаш усулини танлашингиз учун китобда маълумотлар ва саволлар берилган, сиз уларни даволовчи шифокорингиз билан биргаликда ҳал қиласиз.

Агар ҳақиқий мутахассис организмда юз бераётган бу ҳолатларни тузатиш учун содда ва осон тилда нималар қилиш кераклигини тушунтириб берса, омадим келди деяверинг. Шу билан бирга бирор нарсани яхши бажариш учун у ҳақда яхши маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бу китоб шу мақсадда ёзилди, лекин ўз-ўзини даволаш учун дарслик бўла олмайди. Афсуски, кўп беморлар ўзларича касалликни даволаб диагностикани кечиктирадилар, касалликни даволаб бўлмайдиган босқичдан ўтказиб юборадилар.

Баъзан даволаш жараёнидаги кўпгина муаммолар бемор ўз шифокорини тушунмаганидан юзага келади. Улар бир тилда сўзлашсалар ҳам кўпинча

бир-бирларини тушунмайдилар. Шифокор ўзининг касбига хос атамалар билан изоҳласа, бемор ўз нуқтаи назари ва билим даражаси доирасида қабул қилади. Масалан, врач беморга овқатланишнинг айрим хос томонларини, тартибини ва ўзини сақлаш қонун-қоидаларини тушунтирмаслиги мумкин. У нарса врачнинг этиборсизлигидан ёки бепарволигидан эмас, балки шифокор буларни бемор ўзи билади деб ҳисоблагани учун юз беради.

Бу китобни ўқиб чиққандан кейин эса ҳар бир инсон шифокор билан фаол ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу эса муваффақиятли даволаниш ва саломатликни асрашнинг асосий гаровидир.

Шунингдек, китобда простата беши ракини даволашда учраши мумкин бўлган ножўя таъсирларга ва бу муаммони ҳал қилишнинг турли усулларига катта этибор қаратилган. Яна сиз ундан простата касалликлари пайдо бўлиши хавфини камайтириш усулларини, бир қатор халқ табобатида ва ноанъанавий тиббиётда қўлланиладиган усулларни билиб оласиз.

Хуллас, простата беши касалликлари ҳақида қанча кўп билсангиз, касалликнинг бошланғич босқичини билиш ва даволашда тўғри йўл танлаш учун шунча кўп имкониятга эга бўласиз. Бу китоб сизга даволовчи шифокорингизнинг маслаҳатлари билан соғлом ҳолатда узоқ умр кўришингизга ёрдам беради.

***Ҳурмат билан  
тузувчилар***

## ЭРКАКНИНГ «ИККИНЧИ ЮРАГИ»

Соғлик жуда нозик мувозанат ҳолати бўлиб, у танамиздаги кўпгина тизимлар томонидан таъминланади. Бу мувозанатни ташкил этувчи муҳим омиллардан бири ўз соғлигимизга, имкониятларимизга бўлган ишончдир. Касаллик бу ишончимизнинг асосларига путур, борлиғимизнинг негизига зарар етказар экан, касаллик бизнинг «ҳимоя қўрғонлари»мизни тез емира бошлайди. Бизнинг сексуаллигимиз, яъни жинсий алоқага тааллуқли функцияларни бажара олиш қобилиятимиз ва функцияларни бажара олишга ишончимиз, жинсий муносабатлардаги жозибаторлигимиз шахсиятимизнинг тамал тошларидан биридир. Бу каби энг нозик, энг «муқаддас» томонларга тажовуз бўлса, шу заҳотиёқ бир талай муаммолар юзага келади. Простата безининг ҳар қандай касалликлари эркакларнинг жинсий қувватига тўғридан-тўғри тажовуз қилади.

Простата касалликлари – эркакларда кўп учрайдиган, соғлиги учун муаммолар туғдирадиган касалликдир, простата раки эса эркаклар учун энг қўрқинчли касалликлардан бири. Простата раки аёллардаги кўкрак беги ракига ўхшаб, эркакларнинг жинсий қобилиятига тубдан зарар еткази. Ракнинг ўзидан ташқари, даволаш жараёнида учрайдиган асоратлар ҳам хавотирли бўлиши мумкин, масалан: сийиш вақтида учрайдиган муаммолар (сийдик ушлаёлмаслик) ёки эрекция пайдо бўлишининг тўхтаб қолиши (импотенция).

Лекин бутунлай умидсизликка тушиш керак эмас. Қўрқувлар касалликлар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигимиздан, ўсма аниқлангандан кейин ҳам ҳаёт давом этиши мумкинлигига шубҳаланганимиздан келиб чиқади. Лекин медицина бир жойда тўхтаб қолгани йўқ, ҳозирги кунда кўпгина ўсма касалликлари муваффақиятли равишда даволанмоқда. Ҳар қандай ўсма касаллиги, айниқса, рак халқ орасида тарқалган нотўғри фикрларга кўра онгимизда қўрқув ҳиссини шакллантиради: биз осонликча рак касаллигидан ўлган таниш одамларнинг номларини санаб беришимиз мумкин, чунки дафн – кўпчилик қатнашадиган маросим. Лекин рақдан эсон-омон қутулган ва соғомон яшаб юрган одамлар бор, улар яшашда давом этмоқдалар. Уларнинг сони касалликдан ўлганлар сонига нисбатан кўпроқ.



Простата раки ҳам ҳаёт тамом бўлди (шу жумладан, жинсий ҳаёт ҳам) дегани эмас. Агар рак касаллигининг бошланғич босқичларида маълум бўлса, уни бутунлай даволаш мумкин. Даволашнинг юқори малакали усуллари импотенция ва сийдик ушлаёлмаслик хавфини камайтиради. Мабодо асоратлар пайдо бўлиб қолса, уларни турли тиббий воситалар ёрдамида компенсация қилиш мумкин.

Простата безининг яллиғланиш касалликлари ва хавфсиз ўсмалари юзага келиши ҳаммада бўладиган жараён. Булар рақдан фарқ қилган ҳолда, ҳаёт учун хавф туғдирмайди десангиз, адашасиз. Ҳар қандай касаллик ўз вақтида ва тўғри даволанма-



са, бу касалликлар нохуш ва оғриқли оқибатларга олиб келадики, натижада эркаклик қувватига зарар етади ва организм заифлашади.

Кўпгина эркакларда ёш ўтган сари простата муаммолари пайдо бўлиб боради. Шундай бўлса ҳам мунтазам равишда текширувлардан ўтсангиз, врач билан ҳамкорликда маслаҳатлашсангиз, жиддий касаллик пайдо бўлиш хавфи камаяди ва ўзингизнинг тинч, бахтли яшашингиз учун асос яратган бўласиз. Бу китоб простата касалликларининг келиб чиқиш сабабларини тушунишда, уларнинг бошланғич босқичдаги белгиларини билиб олишда ва олинган маълумотларга асосланиб, даволашнинг тўғри йўлини танлашда сизга ёрдам беради.

## **ПРОСТАТА АНАТОМИЯСИ**

Простата бези эркакларга хос (аёллар учун бачадон каби) аъзо. Простата бези қовуқнинг бўйин қисмини ўраб туради, қов суяги ва тўғри ичак орасида жойлашган. Ўзининг шакли ва ўлчови билан ёнғоққа ўхшайди, силлиқ мушаклардан (мушак қисми), «булутсимон» тўқимадан ва майда каналчалардан, безчалардан (без қисми) ташкил топган. Унинг устки қисми юпқа мембрана билан қопланган бўлиб, у капсула деб аталади.

Янги туғилган ўғил болада простатанинг катталиги нўхатдек бўлади, у ўсиб, ривожланиб, тахминан 20 ёшга етганда катта одамнинг простатаси ўлчамига эга бўлади. 54 ёшгача у ўз катталигини ўзгартирмайди, ундан кейин яна ўса бошлайди – лекин бу ўсиш соғлом аломат эмас – бу ҳодиса простата безининг хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) ёки прос-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2024> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2024> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2024>